

Сийрат дарслари (22-дарс)



16:10 / 01.03.2019 5308

151. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан масжидда ўтирган эдик. Бир аъробий кириб келди. У масжидга сия бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари: «Ҳай! Ҳай!» дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: **«Уни безовта қилманглар, ўз ҳолига қўйинглар»**, дедилар. Сийиб бўлгунича уни холи қолдиришди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни чақириб: **«Албатта, масжидларда манави сийдик ва ифлос нарсалар дуруст эмас. Улар (масжидлар) фақат Аллоҳ аzza ва жалланинг зикри, намоз ва Қуръон қироати учун»**, дедилар. Шундан сўнг у зот бир кишига амр қилдилар. **У бир пақир сув олиб келиб, у(сийдик)нинг устидан куйди»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

152. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Абдуллоҳ исмли бир киши бор эди. Унинг лақаби «эшак» эди. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб юрар эди. У зот уни шароб ичганида дарралатган

эдилар. Бир куни уни яна олиб келишди. У зот амр қилдилар, унга яна дарра урилди. Сўнг айрим одамлар: «Аллоҳим, уни лаънатлагин! Уни кўп марта келтиришди-я!» дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни лаънатламанглар! Аллоҳга қасамки, мен уни фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббатли деб биламан», дедилар».**

Бухорий ривоят қилган.

* * *

153. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламининг ҳузурларига ичиб олган бир кишини келтиришди. Шунда у зот: «Уни уринглар!» дедилар. Биздан кимдир қўли билан, кимдир кавуши билан, яна кимдир кийими билан урди. У қайтиб кетган пайтда баъзи одамлар: «Аллоҳ сени шарманда қилсин!» деди. У зот алайҳиссолату вассалом: **«Ундай деманглар! Унинг зиддига шайтонга ёрдам берманглар! Балки «Аллоҳ сенга раҳм қилсин» денглар», дедилар».**

Бухорий ва Аҳмад ривоят қилишган.

* * *

154. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадаги уйлардан Умму Сулаймниқидан бошқасига эркаклари бўлмаган пайтда кирмас эдилар. У зотга бу ҳақда айтилганда: **«Мен унга раҳм қиламан. Акаси мен билан юриб қатл бўлган», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан